

# ЎЗБЕКISTON



## OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 2-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 143 (27.318) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

### ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

аҳолининг кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, ишсиз ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди

### ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 30 ноябрь куни ўзининг сессиясиз йиғилишини ўтказди. Уни фракция раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўйлаётган ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақидаги масалалар юзасидан молия вазирининг ўринбосари Шухрат Мансуровнинг ахбороти тингланди.

— Барқарор иқтисодий ўсиш, инфляция даражасининг пасайиши, иқтисодий тартибдорликнинг ўзгаришларининг чуқурлашуви, кичик тадбиркорликнинг янада кенгайиши, фермерлик ҳаракатининг кенг тус олиши ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятининг ўсиши 2004 йил Давлат бюджетининг ижросига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди, — деди у.

— 2004 йилнинг 9 ойида Давлат бюджетининг даромадлари 2052,8 млрд. сўмни ёки йиллик тасдиқланган параметрларга нисбатан ўтган йилдаги 73,9 фоиз ўрнига 78,3 фоизни ташкил этди. Бу тасдиқланган даромад кўрсаткичларининг ортиси билан бажарилишидан далолат беради.

Шундан сўнг, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машура Сафаева XVI сессия кун тартибидagi «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида гапириб, фракция аъзоларининг кўплаб саволларига жавоб берди.

Депутатлар томонидан Олий Мажлисининг XVI сессияси кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

Беход ШУКУРОВ



Суратларда: фракция ишидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залда очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 2 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.



26 декабрь — Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни. Хабарингиз бор, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатишга номзодларни рўйхатга олиб бўлди. Айни пайтда сайлов кампаниясининг энг қизғин палласи — депутатликка номзодлар ташвиқоти бошланди.

Газетамиз бугундан эътиборан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатишга 118 нафар номзодни сизларга таништиришни бошлайди.

4-, 5-бетлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASI ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик таъминоти амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

#### қарор қиламан:

- Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.
- Эҳтиётсизлик оққасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
- Мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
- Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар (жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
- Экстремистик ташкилотлар фаолиятида-

ги иштироки, улар таркибда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб бориладиган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қўйидагича қисқартирилсин:

- қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;
- қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.
- Тадбиқ этилмасин:
- мазкур Фармон — ўта хавfli рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибидан жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
- мазкур Фармоннинг 1-4, 6, 7-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.
- Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 декабрь

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ  
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ,  
ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ,  
ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ  
БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ  
БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИК



«Обуна — 2005»

- Мамлакатимизда ёши энг улуг газета — бизнинг газета.
- Халқ манфаатлари, миллат манфаати учун кураш бош мақсади бўлган газета — бизнинг газета.
- Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари ҳимоялашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билган газета — бизнинг газета.
- Муаммоларни энг кўп, ошқора ёритадиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга бел боғлаган газета — бизнинг газета.
- Бу газета Ўзбекистонимиз овози, сизу бизнинг овозимиз, эркин сўзимиз!

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета 220

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

Обуна соми

2005 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Квадрат (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в. Жойи 220

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

Обуна янги манзилга юбориш Баҳоси сўм

Баҳоси сўм

2005 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Квадрат (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI  
MULKIDORGA HANMOKI

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALOQABANK** —  
aniq, tez, ishonchli!

Бугун Олий Мажлис XVI сессияси ўз ишини бошлайди

— Олий Мажлиснинг бугунги сессиясида халқимиз учун муҳим қонун лойиҳалари муҳокамага қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Тўғриси айтсак, савдо-саноат палатаси ҳақида бизда ҳали тўла тасаввур йўқ. Кўш, ушбу қонун қандай муносабатларни тартибга солиди?

— Жамиятимиз ривожланиб бораётган сари чет эл сармоядорларини кенгроқ жалб этиш зарурати ҳам кучайиб боради. Бу ҳол янги ҳуқуқий ҳужжатларга эҳтиёж туғдириши табиий, албатта. Ўз навбатида у савдо-саноат палатаси билан хориж сармоядорлари ўртасидаги битимлар тартибини янада соддалаштиради. Экспорт маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, тўғридан-тўғри хорижий сармоядорни жалб этишда ортиқча қўғоғозликнинг олдини олади. Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ ўн олтинчи сессияси кун тартибига қўйилган «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат Палатаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонун, аҳоли даромадлари ўсишига, мулкдорлар синфини шакллантиришга замин яратди. Шу билан бирга, маъмур қонун қабул қилинган, республикага инвестициялар оқими кириб келишини кўпайтиришга, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар жараёнини сезиларли соддалаштиришга ҳам ёрдам бериши кутулкимоқда.

— Мухаммаджон ака, қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз. Ушбу қонун қандай муносабатларни тартибга солиди?

— Қонун лойиҳаси Олий Мажлисга Вазирилар Маҳкамаси

томонидан киритилди. У 4 боб ва 20 моддадан иборат. Шу бугунгача Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат Палатаси фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон савдо-саноат Палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Тадбиркорлик фа-

ҳужжатларини халқаро миқёсда тан олинган илғор тажрибаларга таяниб, маҳаллий вазиятни ҳисобга олган ҳолда муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ушбу қонун лойиҳасининг яна бир томони, бозор иқтисодиёти шароитида давлат органларининг тадбиркорлик соҳасидаги бошқарув ролини босқичма-босқич қисқартиришга кўмаклашади. Мўҳими,

рат органлари томонидан текширув ўтказилишидаги турли хил қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун кафолат сифатида палатага ушбу текширувларда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Баробарида тадбиркорлик таъбиқларининг фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама

ни ҳал этиш, палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ҳам киритилган.

— Қонун лойиҳаси ишлаб чиқишида асосан қандай манбалардан фойдаланилди?

— Албатта ҳар бир қонуннинг яратилиш тарихи бор. Сессияда депутатлар муҳокамага қўйилмаётган мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор ривожланган чет эл давлатлари қонун ҳужжатлари, уларни ижро этиш, риоя қилиш амалиёти, илғор тажрибалари аҳолига қўйилган, таҳлил қилиниши ҳамда бизнинг амалиётимиз ва шароитимиз билан солиштирилди. Улардан ўзимизга мос ва ўзимизга хос бўлган тарафларини қабул қилиш чамалаб кўрилди. Уларнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва ислохотларга мувофиқлиги таҳлил қилинди. Шу асосда савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга ҳаракат қилдик.

Масалан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Австрия, Бельгия, Россия, Украина каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Бу давлатларда савдо-саноат палаталари фаолияти алоҳида қонунлар билан тартибга солинадил. Уларнинг қонун меъёрларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мумкинлиги чамалаб кўрилди. Бу эса лойиҳамизни янада пухталаб олишга ундади.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, партия фракциялари депутатлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар лойиҳада ҳисобга олинди. Тақдим этилаётган қонун лойиҳаси Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг самарали фаолияти кўрсатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлади, деган умиддаман.

Сўзбатдош: **Маъмуржон ҚИЁМОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

ДАСТУРЛАРДА АКС ЭТСА...

Таклиф

фермер ҳўжаликларида бошлангич ҳисоб ва статистика муаммолари сайланажак депутатларимиз диққат марказида бўлишини жуда-жуда хоҳлардим

ЎзХДПнинг сайловолди ҳужжатлари билан мунтазам танишиб бораётиман. Менинг бир ис- тагим бор. Қишлоқ ҳўжалиги субъектлари ичида фермер ҳўжаликлари янги ҳўжалик субъекти бўлганига боис, бундай ҳўжаликларнинг иқтисодий, техникавий, молиявий ва бухгалтерия ҳисоби тизимлари ҳақида ханузгача муайян камчиликлар борлиги сир эмас. Айниқсан, фермер ҳўжаликларида бухгалтерия ҳисобини тўлиқ жорий этиш ва такомиллаштириш борасида... Масалан, аксарият фермер ҳўжаликларида ҳисоб ва ҳисоботи иш- ларини юритишда алоҳида «бухгалтер» штаги жорий этилмаганлиги ёки борларида ҳам маълумоти пастроқ бухгалтерлар фаолияти юртбайтаганини ким инкор эта олади? Бу — ишлаб чиқариш ҳисобининг тўла ташкил этилмаслиги ва натижада статистик маълумотларнинг ишонарли бўлмаслиги таъсир кўрсатади.

Фермер ҳўжаликларида ҳўжа- лик жараёнларини ҳисобга олу- чи бошлангич ҳисоб регистрла- рининг ҳозирги шароитга мос шакллари тўла мавжуд эмаслиги ва мавжудлари вақтида жамоя- ларга етиб бормаётганилиги ҳам жамоялар фаолиятига бир қадар салбий таъсир кўрсатапти. Яши- ришнинг ҳолати йўқ, аксарият фермер ҳўжаликлари молиявий ҳисоб ва ҳисоботи аниқ ҳамда тўғри юритишга ҳаракат қилини- ҳолда бошқарув ҳисобини деяр- ли юртбайтаганилиги (яъни етар- лича эътибор бермаётганилиги) ҳуқуқий идоралар томонидан бот- бот таъкидланмоқда.

Демак, ҳўжаликларда етишти- рилаётган қишлоқ ҳўжалиги маъ- сулотлари калькуляцияси турри шаклланапти, деб айтолмай- миз. Амадагги қарор меъёрлари билан бошлангич ҳисоб ҳўжат- ларидаги сарф миқдорларининг бир-бирига мос келмаслиги ҳамда статистик маълумотлар- нинг бўзилишига олиб келаёт- ганлиги ҳақида матбуотда кўп айтилаяпти...

Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер ҳўжаликларида бошлангич ҳисоб ишларини қўриқтиришда талаб эти- лаётган янги ҳисоб бланка (ҳўжат)лари хануз тўлигича мавжуд эмас. Жумладан, бирор бир экин турини етиштириш учун сарфланган товар-моддий за- хираларини ҳисобга олуви бухгалтерия регистрлари етарли- кли ҳисоботида бўлишига етарли- қам учраб турибди.

Қишлоқ ҳўжалиги субъектла- ри, яъни фермер ҳўжаликлари- да бошлангич ҳисоб ва шу асос- даги статистикани ташкил қилиш борасидаги мана шун- дай муаммолар ечими ЎзХДП ва унинг мамлакатимиз Қонунчи- лиқ палатасига номзоди кўрса- тилган депутатлар дастурида- да акс этса деган таклифим бор.

Сўзатдош: **САНАКУЛОВ,** Тошкент молия институтини талабаси

РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Парламентнинг Иқтисодиётни ислох қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси Мухаммаджон УМАРАЛИЕВ билан сўхбат

олияти эркинлигининг кафо- латлари тўғрисидаги қонун- ни ҳамда Вазирилар Маҳкамаси қарори ва бошқа қатор ҳуж- жатлар билан тартибга солиб келинмоқда эди. «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат Палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилингандан сўнг палатанинг ҳуқуқий ма- қоми, мақсади ва вазифала- ри, аъзолик масалалари ҳамда фаолияти билан боғ- лиқ бир қатор масалаларни янгича тақдирда ривожланти- ришга имкон туғлади.

Кўриниб турибдики, мамла- кат иқтисодий ва иқтисодий ҳаётида палатанинг роли ва аҳамияти катта. Чунки унга бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири — тадбир- корликни ривожлантириш ва- зифаси юклатилмоқда. Савдо-саноат палатаси тад- биркорликни ривожлантириш учун қўлай шароит яратиш билан бирга тадбиркорларнинг чет эллик шериклари билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашади. Бу эса қонун

уларнинг бир қисми ваколат- ларини жамоат ташкилотлари- га беришга хизмат қилади.

— Қонун лойиҳасига кўра савдо-саноат палатаси қандай ташкилот маконига эга. Унга юридик ва жисмоний шахслар қай асосда бирла- шадилар?

— Тизим ва фаолиятнинг алоҳида хусусиятларига кўра, палата ушбу қонунларда на- зарда тутилган бошқа ташки- лий-ҳуқуқий шаклга киритили- ши мумкин. Чунки у жамоат бирлашмаси ҳам эмас, иқти- मोдий фонд ҳам эмас ва на- фақат фуқароларни (жисмо- ний шахсларни) балки, тад- биркорлик субъектлари бўлиши юридик шахсларни ҳам аъзолик асосида бирлаш- тиради.

Шунингдек, халқаро тажри- бага асосан палатага оқлан- ган вазифаларни бажариш учун нодавлат нотижор таш- килотлари ваколатларидан фарқланиб бўлган ҳуқуқлар берилмоқда. Масалан, тад- биркорлар фаолиятини назо-

қилишда иштирок этиш;

— мамлакатимизда ва унинг сарҳадлардан ташқарида кўрганлар ҳамда ярирмакар- лар ташкил этиш ва ўтказиш;

— давлат божи тўламасдан судга палата аъзолари ман- фаатларини қўзлаб даъво ари- залари, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органла- рининг қарорлари, улар ман- сабдор шахсларининг ҳара- катлари (харакатсизлиги) ус- тидан шикоят бериш ва бош- қаларни зиммасига олади.

Қонун лойиҳасида Давлат органлари палатанинг ҳўқуқлари ва қонуний манфа- атларига риоя этилишини таъ- минлаш кўрсатилган палатага мамлакатимизнинг тадбиркор- лик субъектлари, уларнинг тадбиркорлиги қўзлаб-қув- ватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар аъзо бўлиши мумкин. Палата устайига талаблар, палатанинг бошқарув органилари, мол-мулки, улар- ни шакллантириш манбалари, халқаро алоқалари, низолари-

Иқтисод ва ислохот

Эркин бозор муносабатлари шаклланиётган иқти- содий тизимнинг барқарорлигида биржаларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши муҳим аҳамия- тга эга.

1994 йилда Президент Фармони ҳамда Вази- рлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан таш- кил этилган республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) 10 йилдан эиёд вақт мобайнида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайни- да биржа томонидан жами 150 мингдан ортиқ (сотилиш қиймати қарийб 101 млрд. сўмлик) мулк- лар, шу жумладан давлатга қарашли сотув баҳо- си 34,53 млрд. сўмлик 82 мингдан эиёд мулклар ўз эгасини топди. Эътиборли жиҳати шундаки, бир- жа савдо ҳажми йилдан-йилга кенгайиб, хизмат кўрсатиш соҳасида эриш- ланган ютуқларнинг босқичи ортиб бормоқда.

Ҳўш, биржада эришилётган муваффақиятлар- нинг босқичи нимада? РКМБ Бошқаруви раиси Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ билан сўхбатимиз шу ҳақида бўлди.

тизимни орқали 360 дан эиёд масъу- лияти чекланган жамиятларнинг 3,3 млрд. сўмлик яқин давлат улушлари сотилгани ҳам фикри- мизнинг исботидир.

Ҳўқуматимизнинг махсус қари- ри билан хусусийлаштириш жа- раёнларида бозор механизми ама- лда таътиб этилганлиги — иқтисодий ислохотларни жадал- лаштиришда муҳим қадам бўлди. Давлат мулки қўмитаси томонидан паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий но- чор корхоналар давлат мулк- ларининг бошлангич баҳоси бос- қичма-босқич пасайтирилиши механизми асосида сотиш ўса- марасини бермоқда. Ўтган дав- рда бошлангич баҳосини босқич- ма-босқич пасайтириш механиз-

ри?

— Бу йўлда Кўчмас мулк бир- жаси ва Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси томонидан Бухоро вилоят ҳокимлигининг қўзлаб-қувватлаши билан ўтган ҳафтада Бухорода «Мамлақати- мизда замонавий кўчмас мулк бо- зорини ривожлантириш» мавзуи- да амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда биржа тизими маъсул хо- димлари ва вилоят ҳокимлиги бо- шқарув идоралари раҳбарлари иштирок этдилар. Уни ўтказиш учун Бухоро шаҳрини танлашимиз бежиз эмас. Чунки, кейинги икки йил мобайнида биржадан Бухоро вилояти бўлими давлат ва но- давлат мулкларининг очиқ савдо- ларини ташкил этишда ўзига ҳам қўлай танлади. Вилоят бўлими хо-

қўчмас мулк агентликлари таш- кил этилганига ва улар асосида брокерлар тармоғининг янада кенгайтирилганлиги бор. Бу ишлар семинар иштирокчилари томонидан ихобий баҳоланди. Ва бу тажрибани тизим амалиётини кенг жорий қилиш бўйича тавсия- лар берилди.

Бўлим фаолиятидаги эътибор- га молик ҳужжатлардан аниқ бири —вилоят ҳокимлиги бошқарув идоралари ва суд ижрочилари департаменти билан йўлга қўйил- ган яқин алоқа дейиш мумкин. Бу ҳамкорлик бўлими фаолияти якуналарда ўз ақсини топди.

Шу ўринда эътиборингизни ҳў- риж кўчмас мулк бозоридидаги ри- зиторлик фаолиятига ҳам қарат- моқчиман. Республикада ри-

лик реаллиқни тўғри аск этири- майди. Масалан, Орол денгизи яқинида, сувсиз жойда бир бал- кий кенаят ҳозирги кунда ба- ҳоланишини олинг: баҳоловчи ишни албатта биринчи навбатда унинг тикланиш қиймати аниқ- лашдан бошлаш турган гап. Унга қанча металл кетган, энергия ва меҳнат сарфланган ва х.к.

Аммо унинг реал иқомияти қандай? Унга эгал қиймати қан- дай манфаатдорлик мавжуд? Ва- холанки, баҳолалаш усулини де- ганда нафақат тикланиш қийма- тини аниқлаш, балки унинг са- марадорлигини ҳам аниқлаш ва керак бўлса, таққослаш усул- ларини қўллаш зарур. Бугунги кун талаб ва таклиф принциплари- дан келиб чиқадиган бўлсақ, би-

Сирғали туманида жойлашган «Тошшаҳарйўловчиган» уюшма- сига қарашли қурилиш тугаллан- маган «Троллейбусларни таъмир- лаш заводи» қарийб 1,1 млрд. сўмга баҳоланган. Албатта, Кўчмас мулк биржаси пойтахти- миздаги бу объект бўйича омма- вий ахборот воситаларида, Ин- тернет халқаро тизимида рекла- ма-ахборот ташари олиб бормоқ- да. Биржага таклиф бўлган ҳар бир сармоядорга у таклиф эти- лади. Бироқ, баҳолалашда бозор муносабатлари талаблари эъти- борга олинмаганлиги сабабли ушбу объект 2004 йил бошида аукцион савдорларида сотилма- гандан сўнг биржа савдорларида 125 мартаба қўйилаётган бўлса- да, ўз харидорини топмапти. На-

зим» деган таъкидлари юрти- мизда биржалар фаолияти кенгайтиришда алоҳида аҳа- миёт касб этмоқда.

Биржа бирламчи бозорда давлат мулкларини сотиш билан бирга фуқароларнинг шахсий мулкларини, тадбир- кор ва нодавлат юридик шах- сларнинг мулкларини савдоси- ни ташкил этиш бўйича ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу кунга келиб, нодавлат мулк- лар савдоси ҳажми улуши умумий савдо ҳажмининг уч- дан икки қисmini ташкил эти- ши — кўчмас мулклар савдо- сида иқтисодий бозор шакл- ланиганидан, биржа тадбиркор- лиги ишбилармонларнинг ишон- қли ҳамкорига айланб бора- ётганлигидан дарак беради.

— Биржа фаолиятини яна- да ривожлантириш бўйича келгусида режалаштирилган вазифалар ҳақида ҳам қисқ- ача маълумот берсангиз.

— Айтай мумкинки, биржа- ла — бу ҳозирги замон тала- блари асосида ривожланган эркин уюшган бозорнинг бир қисминидир. Халқ, жамият, одам- лар ўртасида муомала мавжуд экан, бирозини бўлиши ва у кун сайин ривожланиши таби- ый. Демак, биржалар фаоли- яти кенгайтириш ҳам шубҳасиз.

Ҳўзир биржадаги хизмат- ларни такомиллаштириш билан боғлиқ бошлангич ишлар кўп. Масалан, жойларда брокерлар фаолиятини янада кен- гайтириш, уларнинг маъласини ошириш, ўқув курслари тар- моқларини кенгайтириш ва х.к. Шунингдек, аввалги йилларда бошлангич биржа савдорлари бўйича марказлашган хизмат- лар мажмуасини яратиш ва амалга ошириш ишлари ҳам ниҳоятини етиши мумкин.

Мақсад — кўчмас мулклар савдоси иштирокчилари бир жойнинг ўзида воситачилик, брокерлик, дилерлик хизмат- ларидан ташқари ҳуқуқий ва нотариал, банк, молия, баҳо- лаш, консалтинг ва бошқа их- тисослашган тузилмалар хиз- матини таъминлаш ҳам ҳўжжа- ланиш орқали республикамиз ва хорижий сармоядорларга самарали хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Алимбек ТОШБЕК сўхбатлашди

РКМБ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА...

— Абдуваҳоб Мавлонович, авваламбор Кўчмас мулк биржасининг бугунги фао- лиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Айтай мумкинки, Кўчмас мулк биржаси ўтган давр ичи- да юртимизда фаолият юри- таётган ишбилармонлар, тад- биркорлар ва хорижий сар- моядорларнинг ишончили ҳам- корига айланди. Унинг Қора- қалпоғистон Республикаси, Ну-кус ва Тошкент шаҳарлари ҳамда барча вилоятлардаги тизимларида 129 нафар ма- лакали муваҳасис ва ходим- лар, 221 та брокерлик идора- сида 226 нафар брокер фаол- ият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда ҳўқумати- миз томонидан давлат мулкла- рини хусусийлаштириш жара- ёнларида бозор механизмига ри- на қўллашга эътиборнинг яна- да кўчатирилиши — умумий савдо ҳажмида давлат улуши- ни сезиларли ўсишини таъ- минлади. 2004 йилнинг 11 ойи- да биржа тарихида илк маро- таба савдо ҳажми 28 млрд. сўмдан ошиб, 12 мингдан эиёд мулклар бўйича битимлар қайд этилди. Шу жумладан, давлат- га қарашли қарийб 7 мингта мулк 11,6 млрд. сўмга сотил- ди. Бу ўтган 2003 йил давоми- даги савдо ҳажмига нисбатан 120 фоизни ташкил этди.

катта роль ўйнади. Савдоларда биржанинг барча аъзолари, яъни брокерларнинг бир вақтда қат- нашлишига имконият яратил- ганлиги ҳам нархларнинг эркин шаклланиши учун етарли шароит туғдириди.

Айни пайтда марказлаштирил- ган электрон биржа савдолари листинги 3 қисмага бўлинган. Унинг 1- ва 2-қисмлари бир- ламчи бозор объектлари, яъни 1-қисмида савдога баҳоси бос- қичма-босқич пасайиш механиз- ми асосида қўйилган мулклар, 2-қисми давлат объектлари, 3-қисми иқтисодиёт бозор мулк- лари, яъни нодавлат юридик жи- моний шахслар билан бирор ва иборат. Биржа қўшиқда ихтисос- лаштирилган тузилмалар — «Кўчмас мулк ахборот маркази», Кимчида савдолари агентлиги- ташкил этилганлиги ҳам савдо- лар ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

ми қўлланилиши туфайли 527 та мулк 3,4 млрд. сўмга сотилган- лиги давлатимиз томонидан яра- тилган имкониятлардан мулкдор- лар кенг фойдаланяётганини кўрсатади.

— Келтирган далилларингиз- га таяниб айтиш мумкинки, Кўчмас мулк биржаси ўтган йиллар давомида тажриба ортирган, маълум маънода ютуқларга эришган. Бироқ, барча соҳаларда бўлгани каби йиллар ўтган сайн мавжуд иқ- тисодий ва иқтисодий шароит муайн ўзгариш ва ривожла- нишларни тақозо этади. Шу нуктаи назардан, кўчмас мулк бозорини янада тараққий этти- риш учун нималар қилиш за-

димлари ва брокерларнинг хиз- мати шундаки, улар ҳар бир таш- килот, ҳар бир тадбиркор эҳти- ётининг ўрганишга киришдилар, уларга ҳўқуқий маслаҳатлар бе- ришни қўнайтирдилар. Бу эса иж- обий натижага берди.

2004 йилнинг 10 ойи давоми- да РКМБнинг Бухоро вилоят бўлимида ташкил этилган сав- долар орқали 2346,25 млн. сўмлик 1753та мулк ўз эгалари- ни топди. Шундан 333,97 млн. сўмлик 597 та мулк давлатга те- гишли. Келтирилган савдо ҳаж- мининг 2003 йилги кўрсаткичлар- нинг 131,6 фоизини ташкил этди. Бу ердаги ибратли ишлар- дан яна бири — туман хусусий- лаштириш бўлимининг негизид-

элторлик фаолияти бўйича тегиш- ли қонун мавжуд бўлмаса-да, кўчмас мулк бозорини бу фаол- иятнинг айрим йўналишларини Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонунчилик доирасида йўлга қўйса бўлади. (Масалан, кўчмас мулк бозорини ахборот ва мас- лаҳат, дилерлик хизматлари, мулк- ни ишончли бошқариш ва х.к.)

— Хар қандай бозорда унга чикарилаётган товар ёки мулк- ка нарх белгилаш бозор ри- вожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳа- сиз. Сизнинг савдоларга чи- қарилаётган мулкларни баҳо- лашда қандай жиҳатларга эътибор бериш лозим?

— Тўғри, биржа фаолияти нар- хлар шаклланишига, баҳо, талаб ва таклиф билан узвий боғлиқ. Мавжуд баҳолалаш тизими қандай усулларга таяниб иш кўрмоқда? Мен бу ўринда икки турдаги жи- ҳатлар мавжудлиги, бунда маса- лага «реаллик» ва «потенциаллик» нуктаи назардан ёндашим, улар- ни фарқлаш ва аниқ мақсадлар- дан келиб чиқиб таяниш лозим деб биламан.

Потенциал имконият ибораси- га — аслида, бор нарсани бори- ча баҳолалаш деб қараса бўлади. Лекин реаллиқнинг, яъни бориқ- дан ажралган бундай потенциал-

ринчи ўринга самарадорлик кўрсаткичларига асосланган ба- ҳолалаш усулига устуворлик бериш зарур, деб ҳисоблайман.

Тўғри, кўчмас мулклар ўзлари жойлашган ерларда муҳимлик- лари билан бошқа мулклардан фарқланадилар. Лекин бунда ҳам потенциал имконият билан уларнинг реал имкониятлари ҳисобга олиниши зарур. Масалан, авто- мобилларга ёнилиги қўйиш шаҳоб- чаларини олсак, уларнинг жой- лашган ҳудуди аҳоли гавжум ва сержатном йўللاردан олислаб бо- риши билан самарадорлик кўрсаткичлари пастая боради. Аммо бу ҳолат ҳамма вақт ҳам баҳолалаш ишларига ҳисобга оли- навермайди ва сарф-ҳаражатлар- га таянган ҳолда нарх белгила- надил. Натижада қўзлаб мулклар савдорларида узок муддат сотил- май қўлиб кетмоқда.

Шунингдек, айрим каттаю-ки- чи қурилиш ташкилотлари, те- мир-бетон заводлари ёки қури- лиши ниҳоятини объектларни олинг. Уларнинг маъсулоти- га ички ва ташқи бозорда эҳтиёж бўлмаса-да, баҳони уларга қачон- лардир сарфланган ҳаражатлар- га таянган ҳолда, самарадорли- гини эътиборга олмаб белгилаш ўринли бўладими?

Масалан, Тошкент шаҳар,

тижада, қурилиши тугалланиб, бирор ишлаб чиқаришга йўнал- тирилиши, қўзлаб янги иш ўрин- лари очилиши, давлат газисига та- қабилда туширилиши мумкин бўлган мулк йиллар давомида қаровсиз қўлиб, тобора кадрсиз- ланиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори асосида ҳозирги кунда юзлаб давлат объектлари инвестиция мажбуриятлари завоига бепул бе- рилиши олашмуул воқеа бўлди, дейиш мумкин. Бу — бесама- рат йилларнинг меъёрида ишла- шини таъминлаш, замонавий да- стоҳлар билан қайта жиҳозлаш ва яна қанчадан-қанча янги иш ўринлари, демокдир.

— Кўчмас мулкларнинг иқ- тисодиёт бозорини ривожлан- тириш учун нималар амалга оширилмоқда? — Президентимизнинг «Ўзе- бикистон иқтисодий ислохотлари қўқурлаштириш йўлида» номли китобида «Фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси фаолияти- ни янада ривожлантириш зарур... Кўчмас мулк ва қўмитали қоғоз- лар билан савдо қилувчи бир- ламчи бозорларни ташкил қил- ган ҳолда асосий эътибор икки- ламчи бозорларни яратиш ва ри- вожлантиришга қаратилиши ло-



# ХДП НОМЗОДЛАРИ ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## НИҒМАТИЛЛА РАСУЛОВ

(1-Оқтепа сайлов округи)

У 1941 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Ниғматилла ака меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкент шаҳар «03» тез ёрдам станциясида фельдшерликдан бошлаган. 1967-1970 йилларда Тошкент вилояти Янгибод шаҳар тиббиёт санитария қисмида шифокор-терапевт бўлиб ишлади. 1970-1974 йилларда Ўзбекистон Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тектиршиш институти аспирантурасида тахсил олди. Еш мутахассис илмга бўлган иштиқи тўғрисида илмий изланишни давом эттирди. 1974-1977 йилларда шу институтида илмий ходим сифатида фаолият юритди. 1977-1982 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти ички касалликлар кафедраси ассистенти, 1982-

1989 йилларда эса Тошкент давлат тиббиёт институти ички касалликлар кафедраси доценти лавозимида ишлади. 1989-1991 йилларда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бош терапевти, 1991-1993 йилларда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, 1993-1995 йилларда эса 42-сонли поликлиника ва 18-шаҳар шифохонаси бош врач лавозимларида ишлади. У 1985 йилдан буён Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳудудий тиббий бирлашмаси мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.


Ниғматилла Расулов 1999 йилдан Тошкент шаҳар кенгаши депутати, 2000 йилдан бошлаб халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси раиси лавозимида ишлаб келяпти. Маалаки тиббиёт мутахассиси, тажрибали, юксак маданиятли, талабчан раҳбар Ниғматилла Расуловнинг хизмати ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, 2002

йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» унвони берилди.

НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИДАН:

— **Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ўқитувчи, шифокор, муҳандис-техниклар, хизматчилар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қонулар асосида ҳимоя қилиш керак, деб ўйлайман.**

— **Давлат томонидан қолатланган барча фойдаланиш мумкин бўлган сифатли, бепул таълим ва тиббий хизматларни қонун асосида ҳимоя қилиш бўйича қонулар қабул қилиш керак. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида, рақобат асосида вуҷудга келган дорихоналаримиздаги дорилар сифатининг назоратини кучайтириш зарур. Жамиятимиздаги бугунги яна бир муаммо, соғлом, ирсий-мусаффо, оналик ва болаликни муҳофазалаш асосида тиббий демографик кўрсаткичларни яхшилаш лозим. XXI аср вабоси**



**СПИД, гиёҳвандликдан халқимизни, аynиқса ёшларимизни асрашни қонун асосида муҳофазалаш лозим.**

Яна бир масала, меҳнат ҳақи, ижтимоий нафақа, пенсия, стипендиалар ҳар бир оила фаровонлигини таъминлаш учун етарли миқдорда белгиланишини қонун асосида муҳофазалаш керак.

Ниғматилла ака ёлғиз оналар, кўп болалик оилалар, пенсионер ва ногиронларга тиббиёт хизмат кўрсатишда имтиёзлар берадиган қонулар яратиш тарафдори эканини айтди. Бундай зғу мақсадлар қўллаб-қувватлашга муносиб деб ўйлаймиз.

**Саида ЙЎЛДОШЕВА**

## АВАЗ САИДОВ

(2-Дархон сайлов округи)

У 1962 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Тошкентдаги «Миконд» заводидида чилангарликдан бошлаган. Ҳарбий хизматдан сўнг Ўзбекистон Миллий университети тугатиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгашига ишга кирган.

Ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан у тез орада партиядошлар орасида ҳурмат-эътибор топди. Шундан сўнг ЎзХДПнинг Тошкент вилояти кенгашида бўлим мудири бўлиб ишлади. — Ҳозир ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгашининг биринчи котиби.

Аваз Муҳаммаджонов биричи котиб сифатида илк кунларда асосий диққат-эътиборини аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласига қаратди. Партия ташкилотининг бевосита ташаббуси билан туманда

ногирон болаларни қайта тиклаш ва соғломлаштириш бўлими ташкил этилди. Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича турли хил профилактик тадбирлар, таъсирчан суҳбатлар йўлга қўйилди. Маҳаллаларда фаоллар ҳамкорлигида сиёсий, ижтимоий, маданий, маърифий ишлар жонлантрилиб, уларга ХДП аъзолари кенг жалб этилди.

— **Ана шундай учрашувлардан бирида, —** деб ҳикоя қилади унинг ўзи, — **одамлар менга меҳнатни муҳофазалаш керак, ишлайдиган аҳолининг ижтимоий ҳимояси, ички ва ташқи меҳнат миграцияси, ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар (ишсизларнинг ижтимоий мослашуви мақсадларини тартибга солувчи қонунчиликка зарур кўшимча, ўзгартириш ва аниқликлар киритиш лозимлигини асослаб**

бердилар. Шундан сўнг менда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахирини тайёрлаш кераклиги тўғрисида фикр уйғонди.

— **Бугина эмас, —** давом этди у. — **Бошқа яна бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларимиз борки, улар бугунги кун шитобидан, ҳаёт ва турмуш тарзини бироз узоклашиб қолган. Масалан Солиқ, Божхона ва Уй-жой кодекслари, «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонун... Агар депутатликка сайланиб қолгудек бўлсам, қонунчилик палатасида аynи шу муаммоларни албатта кўтараман...**

Дарвоқе, Аваз айтганидек айрим қонунларимиз борки, улар бугунги кун талабларига кўра у қадар мукамал эмас. Қонун — бир киши ёки бир табақа



манфаатини эмас, бутун бошли халқ манфаатларини ифода этиши керак...

— **Мен Аваз билан кўшиман, —** деб қолди яқинда бир ҳуқуқшунос танишим. — **Ҳар кеч уч нафар фарзандини етаклаб сайр қилиб юргини кўраман. Саломлашганимиздан сўнг гап-сўзими мавзуси —** албатта, партиязы-сиёсий ишлар, ижтимоий ҳаёт тарзи ва қонунларимиз тақомили томон бурилади. Бу, унинг қонунчилик жараёнлари ва ижтимоий адолат мезонлари ҳақида доимо ўйлаб юришидан далолат. Демакки, Аваз депутатликка муносиб номзод.

**Ойдин САЪДУЛЛАЕВА**

## ГУЛНОЗА САТТОРОВА

(3-Темирийўл сайлов округи)



У 1971 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Иختисоси — ҳуқуқшунос. Оилали, икки нафар фарзанднинг меҳрибон онаси.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасида пенсия бўлимининг инспекторлигидан бошлаган. 1994 йилдан эътиборан Тошкент Давлат юридик институтида «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедрасида ўқитувчилик қилиб келмоқда.

Гулноза Сатторова ҳуқуқшунос сифатида ҳозир амалда бўлган айрим қонунлар лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган, меҳнат ва ижтимоий таъминот масалаларига оид қатор илмий асарлар муаллифи.

У ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бир пайтда, жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирокчи. Ижтимоий мавзудаги телекўрсатувлар, «давра суҳбат»лари, илмий-амалий конференцияларда ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашиб келмоқда.

Халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, жамиятда хотин-қизлар мақомини кўтариш, ёшларни мустақилликка, миллий ғояларимизга ёт оқимлардан сақлашга қаратилган тадбирлар, унинг доимий диққат марказидадир. У қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар топширилган ишга юксак масъулият билан ёндашиб, республика партия фаоллари, ҳуқуқшунослар орасида истеъдодли, изланувчи мутахассис, фидойи инсон сифатида ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда.

Гулноза Сатторова Тошкент давлат юридик институтида талабаларга сабоқ бериш жараёнида ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнларда наинки иштирок этиши, балки етакчи бўлишларига даъват этиб келяпти. Аynи чоғда, унинг ўзи ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар маркази»нинг энг фидойи аъзоларидан биридир.

НОМЗОД ЎЗ САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ ҲАҚИДА ШУНДАЙ ДЕЙДИ:

— **Аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида, тадбиркор аёлларга ва аёллардан ташкил этилган корхоналарга нисбатан солиқ бўйича имтиёزلарни жорий қилиш керак. Бола тарбиялаб ишлаётган аёлларга тегишли иш ҳақи ва нафақа тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳолда қисқартирилган иш вақти жорий этишдек энгилликлар бериш борасида ҳужжатлар қабул қилиш даркор. Ишлаётган, кам таъминланган оналарга белгиланган нафақаларни тайинлаш тартибини соддашатириш лозим.**

— **Маалаки ёш мутахассис кадрлар жамиятда етакчи куч. Жумладан, олий ўқув юртиларида шартнома асосида тахсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган ва ногирон талабаларнинг ўқиши учун шартнома тўловларини камайитириш ёки таъмин муассасалари ҳисобидан амалга оширилишини қонулаштириш учун кураш олиб бораман.**

Гулноза Сатторова нафақат ўз тақлифларига эга, аynи чоғда у бу режаларини қай тартибда амалга ошириш йўларини ҳам юрист сифатида яхши билади. Мустақил фикри, билими, қонуларни тайёрлаш бўйича тажрибаси етарли бўлган бундай номзодлардан халққа фақат фойда келади, деб ўйлаймиз.

**Саида САЙХУН**



## ДИЛБАР АКРОМХЎЖАЕВА

(4-Қорақамиш сайлов округи)

дан эътиборан «Сағбон» акциядорлик жамияти раисининг маркетинг бўйича ўринбосари, вақтинчалик раис вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият қилмоқда...

— **Дилбархон ташаббускор, ҳалол, меҳнатсевар аёллардан, —** деб ҳикоя қилади. Узаро ижтимоий ёрдам, меҳрибонлик ва ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман раҳбари Юлдузхон Мирзакаримова. — **У ўз вазифасига доимо ижодий ёндашди. Раҳбарлик қилаётган корхонаси жамоаси пойтахтдаги энг илғорлардан. Шаҳар аҳолисини сифатли ва кенг турдаги одамлар билан таъминлаб келмоқда. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий ютуқларга эришишида унинг алоҳида ҳиссаси бор. Малакасини, сиёсий-маънавий ва иқтисодий савиясини ошириш устида қатъий, сабр-тоқат билан иш**

олиб боради... — **Дилбар Маҳмудова янгиликка ўч. Ташаббускорлиги, маънавий етуқлиги, барчага бирдек ғамхўр ва меҳрибонлиги ҳамда ибратли турмуш тарзи билан ҳам ҳамкасбларига намуна. Ўз хизмат вазифаларини намунали бажариш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол, ҳурматга сазовор аёл... —** суҳбатта қўшилди номзоднинг ишончли вакили Аваз Саидов.

Дарвоқе, Дилбар Акромхўжаева ўзининг ҳалол меҳнати, аниқликка иштиёқлиги ва ташкилотчилиги билан сўнгги йилларда Тошкент шаҳар партия фаоллари орасида ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонди. Эл-юрт дастурхонини кўрки — нон етказиб беришдек гоят хайрли, савобли, шарафли ва аynи пайтда гоят мушкул ишнинг ундашидан чиқшининг ўзи бўладикин, ахир?!

Суҳбатдошларимиз билан бўлган мулоқот чоғи

унинг сайловолди платформаси ҳам аниқланди: — **Меҳнат қилишга иштиёқли мавж урган кишиларга ёрдам бериш йўлида бандлиги тўғрисидаги қонуннинг ишлаш механизмининг янада тақомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш...;**


— **сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар мақомини ошириш, уларнинг ҳар бирига ўзига мос қаб-хуна ўргатиш, кичик корхоналар очиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уй бекалари учун уй меҳнати турларини кўпайтириш ва шакллантириш...**

Умид қиламизки, ҳар тонгни эл-юртта ризку-рўз — иссиқ нон улашиб кутиб олаётган Сиздек аёл сайловчилар, албатта қўллаб-қувватлашадилар.

**Феруза ИСАЕВА**

## ОЙБЕК ИСОҚОВ

(5-Қўйлик сайлов округи)



У 1967 йилда Тошкент вилояти Чиноз туманида зейли оиласида туғилган. ЎзХДП аъзоси. Украина Миллий юридик академиясини тамомлаган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда бошлаган. 1994-1996 йилларда Ўзбекистон ногиронлар жамиятида ҳуқуқшунос, 1996-2003 йилда ҳуқуқ бўлими бошлиғи, 2001-2004 йиллар давомида Чилонзор тумани 1-сонли давлат адвокатурасида адвокат, 2003 йилдан буён Ўзбекистон ногиронлар жамияти бошқаруви раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Ойбек Исоқовнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, у иродали, меҳнатсевар, меҳр-муруватли инсон эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. У қаерда, қайси лавозимда ишласин атрофидагиларга меҳрибон, эътиборли, адолат таъмойилларига содиқлиги билан аҳрабли туради. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, аҳолининг заиф қатлами ман-

фаатларини ҳимоя қилиш Ойбек Исоқовнинг бош мақсади-дир.

Ойбек Исоқов кўплаб халқаро ташкилотлар билан алоқани йўлга қўйган. Улар томонидан ўтказилаётган семинар-тренингларида иштирок этиб, республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиб келмоқда.

У Республика ногиронлар жамияти бошқаруви раиси лавозимида иш бошлаган биринчи кундан оқ ўз олдига шундай шiori қўйган: **Мамлакатимизда ҳар бир ногирон ўзини давлат ҳимоясида, атрофдогоилар ардоғида эканлигини ҳис этиб яшасин.**

Бугунга келиб, ушбу жамият фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар, ташаббускорлик, янгиликлар, бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, тегишли вазирликлар, ҳомийлар, давлат идора ва корхоналари эътиборини ногиронлар муаммоларига қаратиш каби ҳарақатлар, янгилинишлар кўзга

ташланмоқда. Депутатликка номзод Ойбек Исоқовнинг дастуридан қуйидагилар ўрин олган:

— **энг аввало аҳолининг ёрдамга мувожа кам таъминланган қатламлари турмуш даражасини ошириш, ўқитувчилар, шифокорлар, умуман олганда ўрта бўғинга таалуқли бўлганлар маоши билан нарх-наво, тўловлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш;**

— **мамлакатимизда ногиронлар қатлами — манфаатларини ҳимоя қилиш. Уларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда виждонан жавабгарликни ҳис этиш. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наволарини ошиши, иш ўринларини қисқариши каби ҳолатларда биринчи навбатда ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар аҳоли ҳисобга олинишига эришиш; ногиронлар қобилияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, улар учун махсус иш ўринлари яратилишига, ҳар қандай қарор, қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинаёт-**

## СОБИР КОМИЛОВ

(6-Саноат сайлов округи)



У 1950 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган... Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси...

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Ҳамза туман ошхоналар трестидида оддий ходимликдан бошлаган. Аynи пайтда, Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли.

У оддий одамлар орасида вояга етди. Уларнинг муаммоларини ўз кўзи билан кўрди. 1973-1980 йилларда Собир Раҳимов туманидаги 40-уй-жойдан фойдаланиш ширкатида таъмирловчи, 1980-1987 йилларда Қибрай тумани «Қизил Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги аъзоси, 1988-1994 йилларда Юнусобод тумани ширкат ҳўжалигида сотувчи, 1994-1998 йилларда «Комиллобод» ширкат ҳўжалигида раис, 1999 йилдан ҳозиргача «Комиллобод» хусусий фирмаси директори. У бош бўлган маҳалла шаҳар бўйича ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўриғида биринчи ўринни олди.

Маҳаллада тадбиркорлик ишлари ривожланган бўлиб, шаҳарда ўтказилган «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловида ҳам Собир Комилов биринчи ўринни эгаллади.

Дарҳол ёдимга тушди: Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла ва унинг оқсоқоли Собир Комиловнинг маҳалладаги маданий-маърифий фаолияти ҳақида кўп ёзилган. Бу ерда маҳалла поёбонлари, кўчабошилар фаолияти, маҳалла ёшлари орасида чекишга ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича ташкилий-тарбиявий ишлар оммавий ахборот воситаларида «Маҳалланг обод — юртинг обод» руки билан мунтазам ёритилиб келинади ва барчага ўрناк ҳамда мезон сифатида тарғиб қилинади. Шунинг учун ҳам оқсоқолнинг фаол хизматлари ҳукуматимиз томонидан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган. Маҳалла эса қатор йиллар давомида республика миқёсида ўтказилган «Энг тинч, осойишта маҳалла», «Уйим, гулим, шарҳим» кўрик-танловларининг фойлиби.

Маҳалла 30-Меҳрибонлик уйини оталиққа олди. Бу ерда ўқувчи ёшларнинг ёнги таътили даврида уларнинг яхши дам олишини таъминлаш мақсадида ҳудудий лагер ташкил этилиб, унда болаларнинг бепул дам олиши йўлга қўйилди. Мустақилликнинг 13 йиллиги муносабати билан маҳалла спорт майдонида 2000 нафар фуқаро байрам дастурхони атрофида тўпланди, 100 та кам таъминланган оиллага эсдалик совғалари берилди, 30 та оиллага моддий ёрдам кўрсатилди. Газ тўловларидан қарздор бўлган оилаларга 1 миллион сўм кўмак пули берилди.

Кеча гузарга — Собир ахага кўнгирак қилиб сўрадим. — **Мабодо, депутат бўлиб қолсангиз қандай гоя ва мақсадлар учун курашасиз?**

— **Меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий ночор табакалари манфаатларини ҳимоя қилиш — бош мақсадим бўлади...**

— **аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олмай туриб уй-жой, коммунал ҳўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари нархларининг оширилмаслиги тўғрисидаги масалани Парламент олдиға қўяман...;**

— **дангалини айтсам, ижтимоий адолат тарафдориман. Тақлифларим кўп... Ҳилола САЛОЕВА**

# ХДП НОМЗОДЛАРИ ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУХТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## АНАТОЛИЙ БУГЛАНОВ

(7-Дўмбироход сайлов округи)

У 1954 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент давлат университетини тамомлаган. Иختисоси — биохимик. Биология фанлари доктори, профессор. 300 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи, 30 та ихтиро патентига эга.

Анатолий Бугланов ўз меҳнат фаолиятини 1976 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтида катта лаборантликдан бошлади. У 1978-1982 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтини аспирантурасида тахсил олди. Ўш қадр илм олиш билан бирга касбий таж-

риба орттиришга ҳам интилдиги. 1982-1985 йилларда А.Бугланов шу институтда катта лаборант, турли йилларда Гематология ва қон қуйиш институтини катта илмий ходим, лаборатория мудир, Вакцина ва зардоб илмий тадқиқот институтини — директори ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

У 1999 йилдан буён Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтини директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келяпти.

Анатолий Бугланов заковатли инсон, малакали тиббиётчи, маънавий баркамол раҳбар сифатида жамоаддошлари орасида обрў-эътибор қозонди. У изланувчан, ташаббускор бўлиш билан бирга атрофдагиларни мамлакат тараққиёти, эзгу мақсад йўлида ўзига эргаштириш

қобилиятига эга, барқарор фикрли, эътиқодли шахс. Анатолий Бугланов институтда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг қотиби, Яққасарой ва Тошкент шаҳар партия кенгаши аъзосидир.

— Сайловолди дастуримининг қисқача мазмуни куйидагича, — дейди Анатолий Бугланов, — ҳар бир фуқаро яхши турмуш шароитига, шаҳар аҳолиси, қишлоқда яшаётган ҳар қандай инсон ўз иши ўринларига эга бўлсин. Иш билан бандлик даражасини кескин ошириш лозим.

**Маълумки, мамлакатнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодийнинг юксалишига, иқтисодий ислохотларнинг изчиллигига боғлиқ. Шу ўринда мамлакат иқтисодиётига хорижий инве-**



**сторларнинг эркин кириб келиши, ички инвесторларнинг эркин фаолиятини таъминлаш зарур.** Инсон саломатлигини муҳофазалашда, айниқса, болалар соғлигини сақлашда, атроф-муҳит, экологик муаммоларни ҳал этиш энг муҳим масалалардан. Аҳолига малакали тиббий хизматни ташкил этиш ҳамда шу аснода мамлакатимизда босқичма-босқич сугуртани тиббий хизматни шакллантира бориш керак.

**Сардор ЙЎЛДОШЕВ**

## МИРКАМОЛ ОДИЛОВ

(8-Хадра сайлов округи)

У 1958 йил Тошкент шаҳрида, зиёли оиласида туғилган. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини 1980 йилда тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Ўрта Осиё темир йўлининг «Салар» станцияси навбатчилигидан бошлади. У темирйўл соҳасининг билимдонларидан бири ҳисобланади. «Хамза» темир йўл станциясида бошқик ўринбосари, «Тошкент-Йўловчи» станциясида бош муҳандис, «Қизил-Тўқимачи» станциясида бошқик, «Тошкент-Юк» станцияси бошқик лавозимларида меҳнат қилди.

1993-1997 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг йўловчилар ташкил хизмати бошлигининг ўринбосари лавозимида ишлади. 1996-1997 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиб, «Давлат ва жамият

қурилиши» мутахассислиги бўйича магистр даражасини олди. 1997-1999 йилларда Тошкент метрополитени бошлиқи лавозимида меҳнат қилди. 1999 йилда Шайхонтохур тумани ҳокими лавозимида ишлади. Ҳозир «Тошкент метрополитени» бошлиқи.

Ҳаётнинг пасту баландини кўрган, оғир-енгил синовлардан ўтган одам етти ўлчаб бир кесадиған бўлади. Эл-юртга хизмат қилишни ўзига катта бахт деб ҳисоблайди. Миркамол ака ана шунанга одамлардан.


У туман ҳокими бўлганида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва маҳаллалардаги шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган қатор тadbирлар ишлаб чиқди. Унинг бевосита раҳбарлигида Ибн Сино мавзесида «Оталар чойхонаси» ҳамда «Маиший хизмат кўрсатиш комплекси» қурилиб фойдаланишга топширилди. Туман аҳолисининг узоғини яқин қилиш ва қулайлик яратиш мақсадида трамвай йўлини 2-ТошМидан Ибн Сино мавзесигача 4 километр

га узайтириб, бозорча ташкил этиди. Шунингдек, А.Навоий, А.Ходжаев ва М.Уйғур кўчалари кенгайтирилди...

— Қонуларимиз ниҳоятда пишиқ, мукамал ишлаб чиқилган. Аммо уларнинг ижроси суёт, — дейди депутатликка номзод М.Одилов. — Дастурида мана шу салбий ҳолатларга мурасасиз бўлиш алоҳида кўрсатилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини кўпроқ ҳимоялаш, қонунибузар ташкилотлар, шахслар фаолиятини тартибга солиш чоралари ҳақида таклифларим бор.

Мени яна бир нарса ўйлантиради: бу ЎзХДП дастурида ҳам аниқ-тиниқ айтилган. Биз халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини фаровонлаштиришга ҳаракат қилишимиз керак. Ана шунда ХДПнинг ҳам, депутатнинг ҳам жамиятда ўз ўрни бўлади.

Аҳоли билан учрашувларда коммунал тўловлар маошларга нисбатан



номутаносиб ошиб бо- раётганлиги хусусида саволлар кўп бўляпти. Коммунал тўловлар қачон ва нима сабабдан ошганлигини одамлар билмай қолишяпти экан. Шу муаммо ижобий ҳал бўлиши учун қурашаман.

Қонунчилик палатасига сайланган депутат қанчалик фаол, қанчалик сур бўлса, жамиятнинг тараққиёти сари қадами шунча жадаллашад деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан эртга биз сайлайдиган депутатларга боғлиқ. Миркамол акага ўхшаган инсонларга овоз берсак, адасмаймиз.

**Маммуржон ҚИЁМОВ**

## ЛАТИФ ҒУЛОМОВ

(9-Бодомзор сайлов округи)



У 1956 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Тошкент давлат университети ҳамда Тошкент сийсатшунослик ва бошқарув институтини битирган. Мутахассислиги — арабшунос, сийсатшунос. Тарих фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1978 йилда чет элда араб тили таржумонлигидан бошлаган. Латиф Ғуломов ўн йил-

дан буён партияимизнинг Тошкент шаҳар ташкилотини бошқариб келяпти. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг илгор бўғинларидан бири — Тошкент шаҳар ташкилоти сафида 51551 нафар ХДП аъзоси бор. Яна бир жиҳати — ана шу аъзоларнинг 15863 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу рақамлар устида узоқ мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш, башоратлар қилиш мумкин... Бироқ бизнинг муҳтасар хикоямиз бу ҳақда эмас, балки уларнинг етакчилиги, сардорлиги ҳақида.

Сўнгги йилларда унинг ташаббускорлиги, жонқурлиги туфайли ташкилот ҳам, унинг аъзолари ҳам ҳар жиҳатдан товланди, жипслашди, сийсат майдоннда ўз мавқеини белгилаб олди, бошқача айтганда, мўртлик, заифлик ҳолатидан чиқди. Бинобарин, ташкилотнинг жанговарлик ва сийсий салоҳияти сайлов кампанияси авж олган ҳозирги кунларда яққол сезилаётди!

Албатта, номзодларга қўйилаётган талаблар жуда катта, берилмайдиган саволлар ҳам бехисоб. Бирок минглаб саволлар ичида барча сайловчиларни қизиқтирадиган муштарак савол бор: «Хўш, сиз депутат бўлиб сайлансангиз, нима қаромат кўрсатасиз?»

— Гарчи оддийгина бўлиб туюлса-да, бу жўн савол эмас, — дейди Латиф Ғуломов. — Одамларни қуруқ ва катта ваъдалар билан маҳлиё қилиш, эътиборини жалб этиш мумкин, лекин бу хато йўл! Чунки алдовнинг умри узун эмас. Мен қийин бўлса-да сайловчиларимга бор ҳақиқатни — депутат этиб сайланганимдан сўнг амалга оширадиган аниқ ишларини сўзлаб берарман. Бу, аввало, янги қонулар яратиш фаолиятидир. Биз яратмоқчи бўлган қонулар узоқ муддат ишлайдиган бўлиши, яъни мукамал бўлиши керак. 3-4 йилда эскириб қоладиган қонулар жамият ривожига путур етказмади. Ва энг муҳими: биз қабул қиладиган қонулар аҳолини ижтимоий ҳимоя этишга қаратилган бўлиши шарт. Бу гаплар энг аввало, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш, бепул таълим олиш масалаларига тааллуқли.

— Кечирасиз-у, янглишмасам, сизнинг сайловдаги рақиблирингиз ҳам шунга ўхшаб гапларни айтишяпти. Шундай экан, аҳолининг ноҳор қатламини ҳимоялашингиз бошқарилганидан қандай фарқланади?

— Бу эътирозингиз бошқаларга тегишли бўлиши мумкин. Аммо мен ёлғиз эмасман — ортимда бутун бир партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси турибди. Партиямиз дастурларини ўқиган, сайловолди Платформаси билан танишган фуқароларимиз бизнинг ваъдаларимиз қанчалик реал, манглиқ эканлигини чуқур ҳис этадилар деб ўйлайман. Бу ҳужжатда биз одамларга тақдим этаётган дастурларимиз мамлакатимиз, Ватанимизнинг яқин келажақдаги истиқболни жуда равшан, тиник баён этилган.

Ха, булар Латиф Ғуломовнинг сайловчиларга айтиш учун тугиб қўйган дил сўзларидан бир шингил, холос. Қонларини бўлажақ учрашувларда ўзингиз эшитасиз.

**Норбобо ШАКАРОВ**

## ХАЙРУЛЛА РЎЗМЕТОВ

(10-Астробод сайлов округи)



У 1964 йилда туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол аъзоларидан. Ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилларнинг бошида «Узгирводхоз» лойиҳалаштириш институтини оқддий ходимликдан бошлади. Кейин ҳарбий хизматда бўлди. Сўнг 103-автомобиль базасида ишчи бўлиб, ёшлар ташкилотларида раҳбар, «Ўртоқ» фабрикасида ҳуқуқшунос бўлиб ишлади. 1992-1994 йилларда Тошкент Давлат юридик институтини аспирантурасида тахсил олди. 1994-

2003 йилларда мазкур даргоҳда ўқитувчилик қилди. 2003 йилдан то ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси докторанти. Айни пайтда, 2004 йил бошидан буён Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси раҳбари ҳам.

Ростини айтсам, Хайрулла Ибодуллаевични яхши танийман. Мамлакатимиз Парламентининг Қонунчилик палатасига депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинганини газетадан ўқидим-у, севишиб кетдим. Ҳуқуқшунос олим бир сўз билан айтганда, адолат кунрақчи. У бу мавзуда суҳбатдошлари билан доим баҳсларга киришади, мунозаралар қилади ва ўз мустақил фикрини дадил ҳимоя эта олади.

Бу ҳислат унинг сайлов

волди дастурида ҳам яққол акс этган. Жумладан, — иқтисодий соҳада:

— солиқларни псайтириш, тadbиркорларга имтиёзли кредитлар бериш, божхона чегараларини очиш ва бошқа барча тўқсқинликларни ечишда изчил қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш;

ижтимоий соҳада:

— ижтимоий муҳофазига муҳтож одамларга яна ҳам кўпроқ ёрдам бериш йўлларини аниқлаш...

— давлат маблағларини талон-торож қилишни йўлларини қатъиян тўсиш, бюджет маблағларининг адолатли тақсимотини таъминлаш ва маблағларнинг мақсадли сарфланиши назоратини қучайтиришга хизмат қилувчи қонунлар яратилиши учун кураш олиб бориш;

сийсий соҳада:

— давлат органларининг

ташқил топиши ва фаолиятига қаратилган айрим қонуларни қайта кўриб чиқиш керак.

— Депутатларнинг халқ номидан ижро ҳокимияти органларини назорат қилиб бориш ҳуқуқларини таъминлаш зарур (вазирлар, ҳокимлар в.х.).

— Давлат бошқарув тизимлари қонуний йўллар орқали халқнинг қўлига ўтмас экан, бундай давлатнинг қонун ва қарорлари халқ манфаатларига тўла мос келмайди. Шунинг учун давлат органларини ташқил топиши ва фаолиятига қаратилган баъзи қонуларни қайта кўриб чиқиш лозим. Уларнинг маъно негизиде — халқни депутатлар билан аниқ қўриштиришга қаратилган бўлиши керак.

Хайрулланинг хайрли орзуларига омад ёр бўлсин, деймиз.

**Номзод САЪДУЛЛАЕВ**

## АБДУҒАФФОР ҚИРҒИЗБОЕВ

(11-Тўқимачи сайлов округи)



У 1962 йилда Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Қайки қишлоғида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети имтиёзли диплом билан битирган. Тарих фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини Ойбек номидаги Ўзбекистон тарих музейида кичик лаборантликдан бошлади. Шу даргоҳда кўп йиллар илмий тadbиркорлик олиб бориб, 1992 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. Шундан бери Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида илмий-педагогик иш билан машғул. 1996-2004 йилларда университет ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, аниқ кунларда эса Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг декани лавозимида ишламоқда.

У талабаларга чуқур билим бериш билан бирга уларнинг моддий шароитини яхшилаш ва соғлигини мустаҳкамлаш ишларида ҳам фаол қатнашади, турли маданий тadbирлар ўтказишда ташаббускорлик кўрсатади. Маданий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилгани учун университет жамоаси олий ўқув юрталари орасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловда кетма-кет уч марта фахрли биринчи ўринни эгаллади. Мамлакат миқёсида ўтказилган ана шу танловда ҳам биринчи ўринни олишга сазовор бўлди.

Ташаббускор олим илмий изланишларини ҳам муваффақият билан давом эттирмоқда. У 50 дан ортиқ мақола, 10 дан ортиқ рисола ва монографиялар муаллифи. Айниқса, унинг тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги» мавзусида ёқлаган диссертация иши қўпчилида катта қизиқиш уйғотди.

А.Қирғизбоев 1993 йилдан бери ХДП сафида. Ҳозир Марказий тафтиш комиссиясининг аъзоси. Партия фаолиятига боғлиқ барча тadbирларда фаол қатнашиб, обрў-эътибор орттирди.

— Менинг назаримда, биринчи навбатда солиқ тизимини тўғри йўлга қўйиш керак, — дейди Абдуғаффор Қирғизбоев. — Унга боғлиқ кўп жиҳатларни қонуний асосга солиш лозим деб ҳисоблайман. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатишга боғлиқ тўловларни такомиллаштириш ҳам фуқароларнинг ҳақти эътиёжларига айлана бормоқда.

Аҳолининг реал даромади билан харажат саватчаси ўртасидаги мувозанат, энг кам маош миқдори бугунги бозор иқтисоди шароитида ўзини қандай оқлайпти? Бу муаммонинг ечимини топиш лозим. Бугунги кунда бошқа республикаларга бориб ишлайдиган фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, қафолатларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш керак.

Умуман, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган табақаларининг ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтирадиган қонулар учтида ишлаш сайловолди дастурининг асосий қисмини ташкил этади.

У нафақат ўқитувчи, тарихчи, ташкилотчи, айни пайтда етук сийсатчи, маърифатчи сифатида ҳам жамоатчилик ўртасида хурмат қозонган. Қишлоқ ҳаётини, оддий одамлар ҳаётини яхши билади.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

## ЭГАМБЕРДИ ХУДОЙБЕРДИЕВ

(78-Тўйтепа сайлов округи)

У 1951 йилда Ўрта Чирчиқ туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тамомлаган. Иختисослиги — муҳандис.

Эгамбердини илк бор 1987 йилда кўрганман. Ўшдан у адашмасам, Тўйтепа темирйўл бекатида поезд тузувчи эди. Бир гуруҳ тўйтепалик дехқонлар ва соҳибдорларнинг ўз шарномавий махсусотларини белгиланган манзилларга вақтида етказиб олиб боришолмаётгани ҳақида шикоят хати билан борувдим. Айни навқирон ёшдаги йигит ўзининг зийраклиги, дадиллиги ва сермулоҳазалилиги билан ўшандаёқ мени хайратга солганди. Буюртмачилар талабининг ижроси, гарчанд, тўла унга боғлиқ бўлмасида, тегишли жойларга қил-

ган телефони ва тушунтиришларидан сўнг муаммо зум ўтмай ҳал бўлди. Хатто эсимда, шикоятчилар кейинчалик тахриратга ва Эгамбердининг ўзига миннатдорчилик хатлари йўллашганди.

Ўтган кун гапдан-гап чиқиб, бир ҳамкасбим уни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинганини айтиб қолди ва бекетиёро у ҳақда ёзиш истаги туғилди. Ҳамкасбим дарҳол телефонда боғланиб, керакли маълумотларни олиб берди.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда 159-қурилиш трестининг 10-қурилиш бошқармасида ишчи бўлиб бошлаган. 1970-1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1973-1976 йилларда Ўрта Чирчиқ туманидаги 28-сонли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Бундан кейинги меҳнат фаолияти бутунлай темир йўл транспорти билан боғлиқ: 1976-1999 йилларда Тўйтепа темир йўл бекатининг стрелкачиси,

поезд тузувчиси, Тошкент механизациялаштирилган юк ортиш-тушириш дистанцияси устаси, участка бошлиғи... 1999 йилдан буён Тўйтепа темир йўл бекати бошлиғи...

Берилган тавсифомадан парча: «... У меҳнатсевар, софдил, вазифаларини ўз вақтида бажарадиган ташаббускор мутахассис. Ўзига ва қўл остида ишлайдиган ишчиларга талабчан. Меҳнат жамоаси орасида мунтазам тарбиявий ишлар олиб боради. Қўлаб ёш мутахассисларга устоз...»

...Ҳаёт ва ишларида фаол. Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман Кенгаши депутати... Қандай лавозимда ишламасин, топширилган ишга юксак масъулият ҳисси билан ёндашади... Омилли, беш нафар фарзанди бор.»

Дастурий мақсади: «...Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тўлиқ бандлиги таъминланмаган ва ортиқча ишчи қучи мавжуд бўлмаган ҳолларда янги иш ўринлари



яратиш, темирйўл хизмати соҳасида ҳам янги қонун ва қонуности ҳужжатлари тайёрлашда фаол қатнашиш...

Мактаб таълимининг ривожлантириш, Давлат умумтаълим мактаблари билан қонун ва ўқув-моддий базасини бюджетдан молиялаштириш миқдорларини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишни қайта назоратга олиш...

Даромади энг кам истеъмол саватчасидан ошмайдиган одамлардан олинган даромад солиғи ва мажбурий ижтимоий тўловлар ставкаларини псайтириш...»

**Замон АЛИ**